Иммуноглобулин А (IgA) (SIgAD) нинг селектив етишмовчилиги - бу гипогаммаглобулинемия типли генетик иммун танқислик ҳисобланади. Бу беморларда иммуноглобулин А (IgA) етишмовчилиги кузатилади, у эса оғиз бўшлиғи, нафас йўллари ва ҳазм қилиш тракти шиллиқ қаватини инфекциядан ҳимоя қилади. Ig A танқислиги 4 ёшдан катта бўлганларда, IgG ва IgM кўрсаткичлари меъёрий бўлганда зардобдаги IgAнинг аниқланмаслиги билан ифодаланади. Аксари бундай одамлар бутун умри давомида соғлом бўлади ва бу бузилиш ташхисланмаслиги ҳам мумкин [<https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/26465908/>].

Селектив умумий IgA танчислиги бор беморларни серологик диагностикаси ва кузатуви IgG (IgG-DGPs ёки IgG-TG2) антитаначалари асосида ўтказиш керак [<https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/26465908/>]. Целиакияли беморларнинг 2-3%ида Селектив умумий IgA танчислиги учрайди [<https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/26465908/>]. IgA танчислиги аниқланганда ингичка ичак ворсинкалари атрофиясига олиб келган этиологик омилни аниқлаш лозим, масалан, лямблиоз, ортиқча бактериял ўсиш синдроми ёки умумий вариабел иммун танқислик [<https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/31210940/>].

1B	2 ёшгача бўлган болаларда целиакия диагностикасида, анти-тТГ IgA ни аниқлаш анти-ДПГ (IgA и IgG) билан бирга қилиниши керак. 2 ёшгача бўлган болаларда уларнинг сезувчанлиги етарли эмаслиги ҳисобига, муаллифлар ушбу ёш категория учун глиадиннинг деамидланган пептидларига қарши антитаначалар текширувини перспектив деб ҳисоблашади [https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/26465908/].
-----------	--

IgA даражаси меъёрда ва антитаначалар мавжуд бўлмаганда целиакия ҳам йўқ, лекин касаллик кечроқ юзага чиқиши мумкин, шунинг учун серологик текширувларни ҳар 2-3 йилда такрорлаш мақсадга мувофиқ бўлади [<https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/31210940/>]. Анти-тТГ IgA миқдори 3 меъёрдан ортса 12 бармоқли ичакнинг тушувчи қисми биоптатида эндоскопик ва морфологик текширув ўтказиш лозим. Анти-тТГ IgA миқдори 3 меъёргача ўртача ортган ва анти-ЕМА манфий бўлган бемор эса кузатувда бўлиши керак ва ҳар 3-6 ойда 3 меъёрдан ортмасдан анти-тТГ IgA миқдори назорат қилинади [<https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/31210940/>].

1A	Хавф гуруҳларида скрининг текширувлар ўтказилганда, илк қадам сифатида эндоскопик текширув учун беморларни танлаш мақсадида анти-тТГ ни аниқлаш тавсия этилади. [https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/31210940/]
1A	Одатий миқдорда глютен сақловчи маҳсулотларни истеъмол қилиш фонида даволовчи парҳезни тавсия этишдан олдин серологик диагностикани ўтказиш зарурий талаб ҳисобланади. Рациондан глютенни чеклаш ёки тўхтатиш специфик антитаначалар титрининг тезда тушишига олиб келиши мумкин, бу эса

	диагностикани қийинлаштиради айрим ҳолларда эса умуман имкон қолдирмайди [https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/31210940/].
1B	Целиакияга кучли шубҳа қилинганда серологик тестлар манфий чиққанда ҳам ингичка ичак биопсиясини ўтказиш зарур [https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/31210940/].
1B	Гистологик текширувлар билан тасдиқланган ва бошқа серологик тестлар мавжуд бўлмаса, целиакиянинг бирламчи диагностикаси учун экспресс-тестлардан фойдаланиш мумкин. Ноаниқ натижа ва сохта салбий натижалар чиққанда тест кўшимча текширувларни истисно қилмайди, бунда истисно мақсадида диагностик панелни кенгайтириш кераклигини англатади.

Серонегатив целиакия ташхиси чуқур текширувлар натижаси билан қўйилиши мумкин. Шундай қилиб, целиакияга ҳос клиник ва морфологик ўзгаришлар бўлса ҳам анти-тТГ гипогаммаглобулинемия шаклланмаслиги мумкин. Серонегатив целиакия 6-22% ҳолатларда учрайди. антиТТГ серонегатив тестларида анти-ЕМА ва анти-ДПГаниқланмаслиги мумкин, аммо целиакиянинг аниқ клиник белгилари ва гумон қилинганда ингичка ичак биопсияси ва HLA-DQ генетик тестини ўтказиш тавсия этилади [<https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/31210940/>].

Целиакиянинг эрта морфологик босқичларида (Marsh I, II) ҳам ЕМА- ва anti-tTG-тестлари сохта манфий натижа бериши мумкин. Маълумки, шиллик қаватнинг атрофия даражасига қараб зардобда ушбу маркерлар миқдори ошиб боради [<https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/31210940/>].

Антиглиадин парҳез қўллагандан 6-12 ой ўтгандан сўнг 80% субъектларда серология манфий натижа беради. 5 йил давомида қатъий парҳезга риоя қилган 90% беморларда серологик тестлар натижаси манфий бўлади.

Шундай қилиб серологик алгоритм ва специфик скрининг усулларни (масалан, ЭМА) серияли қўллаш, умумий популяцияда диагностик аниқликни яхшилаш учун кенг қўлланилади [<https://elibrary.ru/item.asp?id=42516978>]. Тестлар комбинацияси касалликнинг янги ҳолатларини аниқлашни яхшилаши мумкин. Агар тестлар синхрон мусбат бўлса целиакия ташхиси эҳтимоллиги жуда юқори бўлади [<https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/31210940/>].

1B	Биринчи йил кузатувда бўлган беморда назорат серологик текширувни 6 ой глютенсиз парҳез қилгандан сўнг ўтказиш тавсия этилади, сўнг ҳар йилда 1 марта.
-----------	--

2.2.1.2 Морфологик диагностика

Ичак биопсиясида аниқланган ворсинкалар ўзгариши ва серологик тестнинг мусбатлиги целиакия диагностик мезонининг олтин стандарти ҳисобланади. 1ламчи биопсия ва серологик тестларнинг ноаниқ натижасида ёки қатъий глютенсиз парҳезга жавобнинг йўқлигида беморларга қайта биопсия ўтказиш зарур [<https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/31210940/>].


Целиакия учун ҳос ингичка ичак шиллик қаватининг комплекс морфологик ўзгаришлари ўз ичига қуйидагиларни олади: эпителийлараро лимфоцитлар миқдорининг ортиши (МЭЛ), турли даражадаги ворсинкалар атрофияси ва **крипталар гиперплазияси**. Ҳозирги кунда патоморфологик ташхисот M.N.Marsh 1992 [115] бўйича энтеропатиялар даражаси классификациясидан қўлланилади, бунда ИИШҚ зарарланишининг 3 тури ажратилади:

- 1-чи тури (Marsh 1) – инфилтратив;
- 2-чи тури (Marsh 2) – гиперпластик;
- 3-чи тури (Marsh 3) – деструктив.

1999 йилда G.Oberhuber Marsh бўйича классификацияни модификациялашни, бунда МЭЛ (100 та эпителиал хужайрага хисоблаганда) ни киритиш лозимлигини кўрсатади ҳамда атрофик ўзгаришларнинг 3 та даражасини таклиф этади [<https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/31210940/>].

Ворсинкали аномалиялар учун Маршнинг модификацияланган классификацияси ҳозирда шиллик қаватда ворсинкалар атрофиясининг оғирлигини баҳолашда клиник амалиётда кенг қўлланилади [<https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/31210940/>].

Эндоскопик текширувда қуйидаги макроскопик белгилар асосида целиакияга шубҳа қилиш мумкин: 12 бармоқли ичак шиллик қаватида циркуляр бурмаларнинг йўқолиши ёки текисланиши, бурмаларда кўндаланг терилишнинг пайдо бўлиши, катакчасимон расмнинг ёки шиллик қаватда микро тугунли тузилманинг пайдо бўлиши (1-расм).



Нормальная структура слизистой

Исчезновение циркулярных складок

Поперечная исчерченность складок

Ячеистый рисунок слизистой (Spada С., 2008)

Микронодулярная структура слизистой

(Spada С., 2008)

(Spada С., 2008)

1-расм-

Целиакиянинг

эндоскопик


белгилари

[<https://onlinelibrary.wiley.com/doi/10.1097/MPG.0000000000002497>]

Бирламчи диагностикада ворсинкаларнинг калта бўлиши, крипталарнинг чуқурлашиши, ЭАЛ микдорининг ошиши аҳамиятига кўра тенг мезонлардир. Ингичка ичакнинг дистал қисмларида ворсинкалар баландлигининг крипталар чуқурлигига меъёрий нисбати **3:1 дан 5:1 гача**, 12 бармоқли ичакнинг пиёзчасига эса 2:1 нисбатда бўлади. Глютенсиз парҳезга амал қилган шароитда ворсинка/крипта нисбати сезиларли мусбат динамикага эга бўлади, ЭАЛ эса узоқ муддатгача микдори юқори бўлади. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, 1 йилдан ортиқ муддат давомида қатъий глютенсиз парҳезга амал қилинганда клиник ва гистологик ремиссияга эришилади, аммо 50-70% беморларда МЭЛ юқори кўрсаткичаларда сақланиши мумкин [<https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/31210940/>]. МЭЛни аниқ микдорий ҳисобидан олинган ўртача қиймати диагностиканинг самарасини оширади, крипталарнинг чуқурлиги ва ворсинкалар баландлигининг аниқ кўрсаткичлари эса клиник аҳамиятга эга эмас. Нурли микроскопияда МЭЛ (Marsh–Oberhuber бўйича 1 тури) микдорини аниқлаш целиакия диагностикаси учун асос бўлиб ҳисобланмайди. Чунки МЭЛ микдори турли патологик ҳолатларда ортиши кузтилади: овқат аллергиясида, вирусли ичак инфекцияларида, лямблиозда, аутоиммун касалликларида, ичакнинг яллиғланишли касалликларида ва бошқаларда [<https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/31210940/>].

Шиллик қават зарарланиш турининг Marsh- Oberhuber бўйича классификацияси 2015 (Целиакиянинг гистологик классификацияси) 4-Жадвал

Кўрсаткич	0 тури	1 тури	2 тури	3 а тури	3б тури	3с тури
МЭЛ	< 25	> 25	>25	> 25	> 25	> 25
крипталар	норма	норма	гипертрофия	гипертрофия	гипертрофия	гипертрофия
ворсинкалар	норма	норма	норма	Яққол		



2 расм - Целиакиянинг Marsh-Oberhuber бўйича гистологик таснифи
<https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/31210940/>

1A	5та биоптатдан кам бўлмаслиги керак, шу жумладан болаларда 12 бармоқли ичак пиёзча қисмидан ҳам, целиакиянинг морфологик диагностикасини аниқлигини оширади. Бемор глютенли парҳезга амал қилган пайтида биопсия олиниши керак (2 ҳафта мобайнида энг камида 3 гр глютен суткасига) https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/31210940/ .
1A	Ҳаттоки 12 бармоқли ичак эндоскопик кўриниши меъёрий бўлса ҳам, целиакия борлигига шубҳа қилинганда биопсия олиш зарур
1A	Касалликнинг клиник белгилари бўлмаганда ҳам, микроскопик текширувда 2, 3А–3С типли зарарланиш серопозитив беморларда целиакия ташхиси учун етарли асос бўлиб ҳисобланади https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/26465908/
1A	Целиакия ташхиси қўйилганда мусбат серологик натижалар - ИИШҚ биоптатини МЭЛ (100та) миқдорида ҳисобланган гистологик текшируви билан бириктирилиши керак
1A	Marsh–Oberhuber бўйича 1 турли ИИШҚ тузилмасининг гистологик ўзгариши иммуногистокимёвий таҳлил ўтказмасдан целиакия ташхисини қўйиш учун асос бўлиб ҳисобланмайди, бунда серологик, генетик ва клиник маълумотлар билан биргаликда баҳоланиши керак.
1A	Морфологик текширувни одатий миқдорда глютен сакловчи озиқ овқатни истеъмол қилиш фонида ўтказиш лозим. Глютенни рациондан истисно қилиш шиллик қаватнинг мейёрий тузилмасининг тезкор тикланишига олиб келади, бу эса целиакияни морфологик тасдиқлаш учун қийинчилик уйғотади, айрим ҳолларда эса иложи бўлмайди https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/26465908/ .

Шиллик қаватнинг шикастланиш даражаси анти-тТГ ва ЕМА нинг мавжудлиги ва титрлари билан корреляцияси исботланган. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, ЕМА бўйича серопозитивлик ворсинкаларнинг оғир атрофияси билан корреляцияланади <https://onlinelibrary.wiley.com/doi/10.1097/MPG.0000000000002497>].

1C	Клиник белгилари сақланган беморларга 1 йилда 1 марта қайта эндоскопик текширувни биопсия билан ўтказиш тавсия этилади.
1C	Клиник белгилар бўлмаганда ҳар йилги ЭГДС билан биопсия ўтказмаслик мумкин
1B	Даволаш вақтида ИИШҚнинг тикланишини баҳолаш учун такрорий биопсия 2 йилдан 5 йилгача бўлган муддатда ўтказиш тавсия этилади.

2.2.2.3 Генетик диагностика

Глютен оксилларни антиген сифатида намоиш қилишда HLA-DQA1 ва HLA-DQB1 генларининг ўзига ҳос роли МНС HLA локусини целиакиянинг ривожланишидаги энг муҳим генетик омилга айлантиради. Касаллик HLA-DQ2 ва -DQ8. HLA-DQ2 лар билан боғлиқ бўлиб, 95% шимолий европадаги беморларда учрайди, қолганлар эса HLA-DQ8 ташувчиси ҳисобланади [<https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/26465908/>]. Сўнгги таҳлиллар шуни кўрсатадики, HLA I синфига кирувчи молекулалар ҳам целиакия билан боғлиқ.

1B HLA-DQ2 гетеродимери HLA-DR3-DQA1*0501 DQB1*0201 цис-конфигурацияси билан кодланади, транс-конфигурацида HLADR11- DQA1*505 DQB1*0301; DR7 – DQA1*0201 DQB1*0202; DQ8 – гетеродимери DQA1*0301 DQB1*0302 кодланади.

HLA-DQ2/8 генотипланишидаги манфий натижа целиакия ташхисоти эҳтимолини камайтиради. (мусбат прогностик кўрсаткич > 99%) [<https://onlinelibrary.wiley.com/doi/10.1097/MPG.0000000000002497>].

1A	Шубҳали морфологик маълумотга эга ёки серологик тести манфий беморларни гистомосликнинг асосий комплексига HLA-DQ2 ва HLA-DQ8 гаплотипларини аниқлаш учун типлаш мақсадга мувофиқ бўлади. Целиакиянинг ривожланиши учун ушбу молекулаларнинг экспрессияси керакли шартлардан ҳисобланади, шунинг учун уларнинг йўқлиги ташхисни истисно қилади [https://onlinelibrary.wiley.com/doi/10.1097/MPG.0000000000002497].
1B	HLA-DQ2/DQ8 типлаш усули целиакиянинг бирламчи диагностикаси учун мунтазам усул ҳисобланмайди. HLA-генларини генетик типлаш хавф гуруҳига кирадиган (1чи авлод қариндошларда) ёки целиакиянинг атипик шакли бор беморларда ва ҳамроҳ касалликлари бор беморларда ўтказиш айниқса муҳим. Серологик тести манфий ёки гистологик таҳлили шубҳали натижали беморларда целиакия ташхисини тасдиқлаш ёки истисно қилиш учун гистологик текширувга қўшимча тарзда HLA генларини типлаш тавсия этилади. Бундан ташқари, целиакиянинг рефрактер шаклида ҳам генетик типлашни қўллаш мумкин.
1B	DQ2 ёки DQ8 нинг бор йўқлигига қараб целиакия ташхисини қўйиб бўлмайди, чунки 36—53% ташувчилардагина касаллик ривожланади, аммо унинг йўқлиги целиакияни истисно қилишга имкон беради [https://onlinelibrary.wiley.com/doi/10.1097/MPG.0000000000002497].

Беморларда DQ2 ёки DQ8 ни серологик маркерлар ТкТГ ва/ёки ЕМА билан биргаликда аниқлаш юқори эҳтимоллик билан целиакияни ташхислаш учун имкор беради [<https://onlinelibrary.wiley.com/doi/10.1097/MPG.0000000000002497>].

HLA-DQ2/DQ8 типлаш айрим клиник ҳолатларда целиакияни истисно қилиш учун қўлланилади:

1. Marsh 1-2 гистологик манзарали серонегатив беморларда.
2. Аглютенли парҳезга ўтишдан олдин целиакияга серологик тест ўтказилмаган беморларни ташхислаш
3. Серологик тест ва гистологик текширувнинг натижалари бир бирига мос келмаганда [<https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/26465908/>].

Целиакия ривожланиши учун HLA хавфи аллелларининг борлиги - керакли аммо аҳамиятсиз омил ҳисобланади. (< 1% беморларда DQ2 ва DQ8 бўлмайди) [<http://www.omge.org/globalguidelines/guide13/guideline13.htm>].

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, HLA гаплотиплари целиакия патогенезининг калити бўлса ҳам, генетик хавфнинг тахминан 35–40% ни ташкил қилади. [<https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/26465908/>].

HLA типлаш катта башорат қилувчи аҳамиятга эга, HLA-DQ2/-DQ8 нинг йўқлиги мойиллиги бор шахсларда целиакияни истисно қилади [<https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/26465908/>]

Целиакия билан боғлиқлиги аниқланган қўшимча HLA геномсиз бўлган худудлар, масъулият шкаласида ҳисобланган тарқалиши бўйича 1% бўлган 32% генетик мойиллиги бор: 25,5% MHC HLA учун ва 6,5% HLAсиз худудларда эхтимолини тушунтиради [<https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/26465908/>].

Парҳезда глютеннинг бўлиши керакли омилдир; глютенсиз целиакия бўлмайди, хаттоки генетик мойиллик бўлса ҳам.

Болаларда целиакия диагностикаси учун 2020 йилда ESPGHAN [22] чоп этган расмий протокол янги бошқарув тамойилларини ўз ичига олди. Агарда беморда целиакияни биопсия ёрдамида ташхислаш учун кўрсатма бўлса, ва зардобда юқори миқдорда TGA-IgA (>10 ULN) ва ЕМА-IgА-мусбат чиққанда TGA-IgА мусбат беморларда HLA-DQ2 ва DQ8 типлаш талаб этилмайди. Агар беморда HLA DQ2 ва DQ8 натижаси манфий чиқса, целиакия хавфи жуда ҳам кичик, агар мусбат чиқса бунга ташхисни тасдиқламайди.

HLA текшируви қуйида холларда тавсия қилинади

[<https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/26465908/>]:

1. HLA манфий тест натижаси целиакияни истисно қилиш учун ёрдам беради.
2. Целиакия ташхиси аниқ қўйилмаган беморлар – манфий серология, аммо гистологик ўзгаришлар целиакия борлигига шубҳа уйғотади. Ушбу холатда HLA текшируви унинг манфий натижасида ёрдам беради. Мусбат серология ва гистологик белгилари бўлмаган холатда HLA текшируви натижаси мусбат чиқиши эҳтимоли бор.
3. Касаллик белгилари пайдо бўлиши мумкин бўлганда динамик кузатувни талаб этадиган ва целиакия ривожланиши эҳтимоли кам бўлган қариндошларни текшириш лозим бўлганда.
4. 2B бошқа аутоиммун касалликлари ва генетик бузилишлари бор шахсларни целиакияга текшириш лозим (масалан, аутоиммун тиреоидит).
5. 1A генетик типланишнинг манфий натижаси целиакияни истисно қилиш учун ёрдам беради. Ушбу гаплотип соғлом аҳолининг 30%ида бўлиши- бу текширувнинг скрининг усул сифатида қўлланилишига қаршилик қилади ва целиакия ташхисини қўйиш учун асос ҳисобланмайди.
6. 1A Генетик типланиш қийин диагностик ҳолатларда целиакия ташхисини истисно қилиш учун ёрдам беради. Генетик маркерларнинг бебаҳолиги шундаки, текширув вақтида улар беморнинг қатъий АГД далигига ёки унга риоя қилмаганлигига боғлиқ бўлмайди.

Ташхисни қўйишда қийинчилик туғилганда провокацион синама ўтказилади, масалан текширув пайтида бемор глютенсиз парҳезга риоя қилади ва морфологик маълумотларга кўра парҳез фонидида ташхис қўйиш мумкин эмас.

2C

Касалликнинг клиник белгилари бўлмаганда, гистологик ва серологик текширувлар шубҳали бўлганда, целиакияга гумон қилинганда провокацион тест ўтказилади [<https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/31210940/>].

Серологик ва морфологик тасдиқланмаган холатда беморлар глютенсиз парҳезни бошлаганда ёки ташхиснинг тўғрилигига шубҳа уйғотадиган бирламчи текширувларнинг натижасига қараб юкламани синамани ўтказиш тавсия этилади. Ушбу холатларда глютен билан юклама ташхисни тасдиқлаш учун ягона усул сифатида таклиф қилинади [<https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/31210940/>].

Глютен билан провокация 3 ёшдан катта болаларга ўтказилади. Целиакия ташхиси тасдиқланган холатда провокация таъқиқланади!

Юкламани ўтказишдан олдин генетик текширувни ўтказиш тавсия этилади, бунда манфий жавобни олиш провокация ўтказишни олдини олиш учун ёрдам беради [<https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/31210940/>].

Провокация вақтида ҳар кунги симптомлар билан ҳар ҳафтадаги вазннинг динамикасини ёзиб борадиган кундалик тутилади. Провокацион тест бажарганда биопсия олиш билан 2та эндоскопик текширув ўтказиш тавсия этилади: 1чиси- АГД фонидида, 2чиси – глютен сақловчи озуқа моддаларини истемол қилганда клиник белгиларнинг пайдо бўлганида ёки

6 ойдан сўнг касаллик қайталаниш белгилари бўлмаганда. Болаларга глютен билан юклама овқатига глютен кукунини сепиш билан ўтказилади ва беморга буғдой нонини (печенье, нон маҳсулотлари) берилмайди, агарда целиакция ташхиси тасдиқланса болага бу маҳсулотларни истеъмол қилишни қайта таъқиқлаш жуда қийин бўлади.

Провокация учун кунлик дозаси камида 10гр глютен бўлиши керак, бу 150 гр ун ёки 200гр буғдой нонига тўғри келади. Агар глютен кукуни мавжуд бўлмаса беморга кунига 1 порция (тахминан 250гр) манка ёки вермишел бериш тавсия этилади [<https://onlinelibrary.wiley.com/doi/10.1097/MPG.0000000000002497>]. Агар 6 ой мобайнида глютен қабул қилгандан кейин биопсияда ҳеч қандай ўзгариш бўлмаса, глютен билан зўриқтиргандан 2 йил ўтгандан сўнг қайта морфологик текширувни ўтказиш лозим. Шу вақтгача ҳам шиллик қаватда тузилмалар ўзгаришлар бўлмаса, белгилар пайдо бўлганда ёки қон зардобда антитаначалар миқдори ортганда беморларни эндоскопик текширув билан динамик кузатув тавсия этилади.

2.2.2.2 Видеокапсулани эндоскопия (ВКЭ)

ВКЭ целиакция билан боғлиқ асоратларни аниқлаши мумкин. ВКЭ ёрдамида аниқланган шиллик қаватнинг катта ҳажмда зарарланиши, РЦ II тури ва албумин миқдорининг пастлиги билан боғлиқ. Даволашга секин жавоб берадиган беморларда стеноз, эрозиялар, яралар ва лимфомалар аниқланади. Ушбу беморларда айниқса лимфома, аденокарцинома ёки ярали еюнитга клиник шубҳа уйғонган беморларда ВКЭ кейинги ўтказиладиган энтероскопия усулининг зарурлигини баҳолаш учун қўлланилади. Диагностикада ярали колит белгиларини Крон касаллиги деб ҳисобламаслик керак [<https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/31210940/>].

1B	ВКЭ – целиакциянинг бирламчи диагностикаси учун қўлланилмайди, бундан истисно: бемор серологик тахлилида мусбат натижага эга бўлиб, эндоскопия ва биопсияни ўтказишдан бош тортса ёки ўтказиб бўлмайдиган ҳолатда
1B	ВКЭ – целиакция билан боғлиқ асоратларни аниқлаш учун муҳим

2.2.2.3. Ёғ кислоталарини боғлайдиган оқсил

У ингичка ичакдаги эпителиал хужайралардан ишлаб чиқариладиган цитозол оқсил ҳисобланади. Хужайралар зарарланганда у қон айланиш тизимига тушади. Парҳезга риоя қилинмаганда ва глютенни билмасдан истеъмол қилинганда зардобдаги «ёғ кислоталарини боғловчи оқсил» фойдали бўлиши мумкин [<https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/31210940/>].

1B	Парҳезга риоя қилинмаганда ва глютенни билмасдан истеъмол қилинганда зардобдаги «ёғ кислоталарини боғловчи оқсил» фойдали бўлиши мумкин.
-----------	--

2.2.2.4. Рентгенография

Шифокорлар ва радиологлар целиакцияни белгиловчи айрим рентгенологик натижаларни билиши муҳим, масалан, ингичка ичак бурмаларининг камайиши, ёнбош ичак бурмаларининг ортиши, ингичка ичакнинг кенгайиш, деворининг қалинлашиши, ичак инвагинацияси, (кавитацион) қоринпардали лимфаденопатия, талокда қон томирлари ўзгариши ва атрофияси [<https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/31210940/>].


2.2.2.5. Рефрактер целиакция диагностикаси

РЦ диагностикаси учун қуйидаги клиник белгилар ва лаборатор-инструментал усуллар қўлланилади:


1A	АГДга қатъий 6-12 ой давомида риюя қилинганда, целиакция клиник белгиларининг сақланиши ёки қайталаниши асосида РЦ ташхисланади, бунда касаллик белгилари келиб чиқишининг бошқа сабаблари хусусан онкологик касалликлар бўлмаганда. [https://onlinelibrary.wiley.com/doi/10.1097/MPG.0000000000002497]
1A	РЦ диагностикасининг 1чи этапида серологик маркерларни аниқлаш ва АГД га қатъий риюяни тахлил қилиш лозим.
1A	РЦ ҳолатини баҳолашда целиакция ташхисининг тўғрилигини тасдиқлаш 1чи қадам ҳисобланади. РЦ бор-йўқлиги кўриб чиқиладиганда манфий серология целиакцияни истисно қилмайди, HLA-DQ нинг йўқлиги эса бу ташхисни истисно қилади [https://onlinelibrary.wiley.com/doi/10.1097/MPG.0000000000002497].
1A	Целиакция мавжудлигининг ишончли далиллари асосида АГДга реакция қилмаганда РЦ ташхиси қўйилади. Клиник белгилар келиб чиқишининг бошқа сабабларини инкор қилиш керак, хусусан, АГДга қатъий риюя қилмаслик, ортиқча бактериал ўсиш синдроми, сикроскопик колит ва бошқалар [https://onlinelibrary.wiley.com/doi/10.1097/MPG.0000000000002497].
1A	Бошланғич этапда ташхис қўйишда ҳал қилувчи ахамиятга эга бўлган олдинги тахлилларни синчковлик билан текшириш лозим (серологик, морфологик, генетик). Целиакция ташхисининг исботи бўлганда – касаллик белгиларининг қайталанишига ва АГДга ёмон жавобига олиб келадиган ҳамма сабабларни кўриб чиқиш кейинги этап ҳисобланади [https://onlinelibrary.wiley.com/doi/10.1097/MPG.0000000000002497].
1A	Симптомлар (диарея синдроми ва сўрилишнинг оғир бузилиш синдроми) сақланиши ёки пайдо бўлиши билан клиник белгилар характерланади. Клиник белгилардан қуйидагилар кўпроқ учрайди: диарея, қоринда оғриқ, тана вазнини йўқотиш, тез чарчаш, ҳолсизлик [https://onlinelibrary.wiley.com/doi/10.1097/MPG.0000000000002497]
2A	Лаборатор кўрсаткичларга гемоглобин, оқсил ва альбуминнинг пастлиги, жигар ферментлари миқдорининг ошиши киради.
1A	Манфий прогностик омиллар: альбумин $\leq 3,2$ г/дл, гемоглобин ≤ 11 г/дл, ворсинкаларнинг тотал атрофияси, эпителийлараро лимфоцитлар ўзгарган иммунофенотип билан [https://onlinelibrary.wiley.com/doi/10.1097/MPG.0000000000002497].

АГД га қатъий риюя қилган тақдирда ҳам 19-30%гача бўлган рефрактер целиакцияли беморлар мусбат специфик серологик синамаларга эга (ЕМА, анти-тТГ)
[<https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/31210940/>]. РЦ ривожланишини бирламчи баҳолашда иммуногистохимёвий усул билан CD3/CD8ни аниқлаш муҳим ҳисобланади.


3-расм. Болалар ва ўсмирларда целиакияни диагностикаси ва даволаш алгоритми



4-расм. Касалликнинг ўзига хос белгилари бўлган болалар ва ўсмирларда целиакияни диагностикаси ва даволаш алгоритми
[\[https://elibrary.ru/item.asp?id=42516978\]](https://elibrary.ru/item.asp?id=42516978)



5-расм. Хавф гуруҳидаги касаддик белгилари бўлмаган беморларда целиакияни диагностикаси алгоритми
[\[https://elibrary.ru/item.asp?id=42516978\]](https://elibrary.ru/item.asp?id=42516978)



3. ДИФФЕРЕНЦИАЛ ДИАГНОЗ

5-жадвал

Диагноз	Дифференциал диагностикани асослаш	Текширишлар	Ташҳисни инкор қилиш мезонлари
1. мальабсорбция синдроми билан намоён бўладиган касалликлар: - муковисцидоз,	- ОЭН -Диарея, ёғли нажас -қорин шишиши - қайт қилиш -бошланиши гўдакликдан бўлиши мумкин	-Тер синамаси -ИРТ -Генетик тест -нажасда эластаза	муковисцидозга хос синамаларнинг манфий натижалари
- Швахман- Даймонд синдроми,	- ОЭН -анемия, нейтропения, тромбоцитопения, лейкемия -диарея - скелет деформацияси - қорин шишиши -рахит	- ўзига хос мутацияларга генетик таҳлил	мутациянинг йўқлиги
- аутоиммун энтеропатия,	- диарея -ОЭН - қорин шишиши -анемия	ичак эпителийси, бокалсимон хужайралар, антиядроли, анти- ДНК, силлий мушакларга АТ	синамаларнинг манфий натижалари
ичакнинг туғма лимфангиоэктазия (Вальдман синдром),	- шишлар, - ўтиб кетувчи диарея, кўнгил айнаши, - қайт қилиш, - қоринда оғроқ - асцит	- эндоскопик текширишда ингичка ичак биопсияси - альфа-1- антитрипсин билан контрастлаш билан лимфангиография	синамаларнинг манфий натижалари
трипсин- энтерокиназа етишмовчилиги	- ОЭН ва жсимоний ривожланишдан орқада қолиш - қайт қилиш, - гипопропротеинемик шишлар - анемия - стеаторея	- энтерокиназага нажас таҳлили - дуоденал массада энтерокиназани аниқлаш	фермент миқдори меъёрда
2. Ўсиш ва ривожланишдан орқада қолиш: гипофизар нанизм,	- бўй ўсишдан орқада қолиш - тишлар алмашинувининг кечкикиши - жисмоний ривожланишнинг кечкикиши - скелет деформациялари	- сутканинг турли квартларида қонда соматотроп гормоннинг миқдорини аниқлаш, стимуллаш ва стимуллашсиз;	гормонлар миқдорида ўзгариш йўқ

		<ul style="list-style-type: none"> - терк эгарининг рентгени, КТ ёки МРТ; - суяк ёшини аниқлаш учун қўл рентгени; бошқа гормонлар миқдорини аниқлаш (соматомедин, тиреоид гуруҳ, кортизол, жинсий ва бошқ.); - ўсма жараёнини инкор қилиш учун бош мия КТ ёки МРТ 	
3. Буғдойга озиқ-овқат аллергияси гастроинтестиналь шакли	<ul style="list-style-type: none"> - қоринда оғриқ, - қориннинг катталashiши, метеоризм, - қусиш ва қайт қилиш, - полифекалия, - иштаҳанинг бузилиши 	<ul style="list-style-type: none"> - умумий Ig E ва специфик Ig E - аллергиянинг моллекуляр диагностикаси 	целиакияга синамаларнинг манфий натижалари
Инфекциялар (масалан, вирусли энтерит, лямблиоз, криптоспоридиоз)	<ul style="list-style-type: none"> - ОЭН -диарея, - қорин шишиши - қайт қилиш - иситма 	инфекция мавжудлигига ПЗР диагностика	синамаларнинг манфий натижалари
СИБР	<ul style="list-style-type: none"> - диарея - қорин шишиши - қоринда оғриқ - жисмоний ривожланишдан орқада қолиш 	<ul style="list-style-type: none"> - ингичка ичак аспиридининг бактериологик текшириш, - глюкоза ва лактулоза билан водород нафас тести 	синамаларнинг манфий натижалари
СРК	<ul style="list-style-type: none"> - қоринда оғриқ - диарея - қабзият - шиллиқли нажас - ҳолсизлик - бош оғриши 	<ul style="list-style-type: none"> - Рим мезонлари - анамнез -морфологик текширишлар билан ингичка ичак биопсияси 	целиакияга синамаларнинг мусбат натижалари
глютенга ноцелиакияли ссезгирлик	<ul style="list-style-type: none"> - қоринда оғриқ - диарея - қабзият - шиллиқли нажас - ҳолсизлик - бош оғриши - ҳушининг хиралашиши 	Салерно мезонлари	целиакияга синамаларнинг мусбат натижалари

4. ЦЕЛИАКИЯНИ ДАВОЛАШ

4.1. АМБУЛАТОР ДАРАЖАДА ДАВОЛАШ ТАКТИКАСИ:

4.1.1 Консерватив даволаш

Целиакияни даволашнинг ягона усули ва унинг асоратларининг профилактикаси ҳозирги кунда умрбод қатъий глютенсиз парҳезга риоя қилиш ҳисобланади.

Элиминацияли парҳез терапия асосини овқатланиш рационидан глютен ёки унинг қолдиқларини сақловчи маҳсулотларни тўлиқ чиқариб ташлаш ташкил қилади. Фақат “аниқ” глютен (нон, нон маҳсулотлари ва қандолат маҳсулотлари, макарон маҳсулотлари, буғдой/манна, арпа/перловка, ёрмалар, булгур, кус-кус, полба, спельта, тритикале, камут) ўз ичига олган маҳсулотларни истеъмол қилмаслик жуда муҳимдир, шунингдек, ишлаб чиқариш жараёнида озик-овқат қўшимчалари сифатида ишлатиладиган “яширин” глютенни ўз ичига олади.

1А	Қатъий глютенсиз парҳез ҳам симптомли
2С	ҳам симптомсиз беморларга тавсия этилади [1,10].

Целиакия билан касалланган беморнинг овқатланиш рациони унинг ёши, аҳволининг оғирлик даражаси ва даврига боғлиқ бўлиб, умумий тамойиллар асосида тузилади: углеводни – ёрмалар, картошка, дуккакдилар, сабзавотлар, мевалар, резаворларни ҳазм қилиш; оқсил ва ёғли – гўшт, тухум, балиқлар, сут маҳсулотлари, ўсимлик ёғи ва сарикёғ ҳисобига.

2С	“Потенциал целиакия”ли беморларда (ИИШҚ нормал тузилишига эга бўлган ўзига хос антитаначалар ва генетик белгиларнинг ортиб бориши) клиник белгилар бўлмаганда глютенсиз парҳезни тавсия этмаслик керак, аммо антитаначалар даражасини динамик назорат қилишни давом эттириш ва белгилар пайдо бўлганда такроран биопсия ўтказиш лозим [1,10].
-----------	---

Целиакияли беморларга сулининг токсиклиги масаласи очиқ қолмоқда. Сулининг авенинлари токсик эмаслиги тўғрисидаги фикр энг кенг тарқалган, аммо кўпинча сули ёрмаси бошқа буғдойлилар, айниқса, буғдой араламалари қараганда кўпроқ ифлосланган.

1В	Целиакияли беморларнинг овқатлантириш учун махсус глютенсиз маҳсулотлар – нон, макарон маҳсулотлари ва қандолат маҳсулотларини ўрнини босувчи албатта “буғдой бошоғининг устидан чизилган” белгили маҳсулотлар тавсия этилади. тавсия этиладиган глютеннинг энг мақбул миқдори <20 ppm* (20 мг/кг тайёр масулот) ташкил қилади [1,10].
1А	Танқислик ҳолатларини коррекция қилиш тавсия этилади [1,10].

Орган ва тизимларларнинг иккиламчи бузилишлари ва танқислик ҳолатлари мавжудлигини ҳисобга олиш керак, улар махсус овқатланишни талаб қилишлари мумкин. Кичик болалик ёшида целиакиянинг фаол даврининг кечиши учун яққол диспептик бузилишлар ва дистрофиягача овқатланишнинг бузилишлари хосдир .

4.1.2 Медикаментоз даволаш.

Целиакияда медикаментоз даволаш ёрдамчи тавсифга эга, аммо бир қатор ҳолатларда ҳаётий муҳим бўлиши мумкин. Асосан у мальабсорбция синдроми фонида ривожланган метаболик бузилишларнинг коррекциясига йўналтирилган. Овқат ҳазм бўлиш жараёнларининг коррекцияси юқори фаол микросферали панкреатик ферментлар тайинланиши билан амалга оширилади. Дори воситаси дозаси боланинг ёши, овқатланиш тури ва стеатореянинг намоён

бўлиши билан аниқланади. Липаза бўйича дастлабки доза кунига 1 кг массага 1000ХБ ташкил қилади. Яққол намоён бўлган диарея фонида адсорбентлар-мукоцитопротекторлар тайинланади. Темир етишмовчилиги анемиясида темир препаратлари ва фолий кислотаси тайинланади. Кальций алмашинуви бузилишларида (рахитсимон синдром, гипокальциемик талвасалар, остеопения) кальций ва витамин D тайинланади.

2С	Медикаментоз даволашни микросферик шаклдаги панкреатин билан олиб бориш тавсия этилади [1,4].
1С	Лоперамидни қўллаш тавсия этилмайди [1,4].
2С	Зарур бўлганда ичак микрофлораси бузилишларини коррекция қилиш тавсия этилади[1,4].
2С	Биринчи марта целиакция ташҳиси қўйилган беморларни микронутриентларга (темир, кальций, фолий кислотаси, витамин D, витамин В12) текшириш ва уларнинг танқислигини даволаш тавсия этилади [1,4].

4.1.3 Рефрактер целиакцияни даволаш

Бугунги кунда рефрактер целиакциянинг самарали даволаш мавжуд эмас, ва даволаш нутритив қўллаб-қувватлаш ва иммуносупрессив ёки абляциян даволашга боғлиқ. Даволаш стационар шароитида олиб борилади ва кейинчалик амбулатор кузатувда давом эттирилади (рефрактер анемияни стационар даволаш бўлимига қаранг).

Клиник протоколларга Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтмаган дори воситаларини киритиш кафолатланган бепул тиббий ёрдам кўрсатиш доирасида ва мажбурий тиббий суғурта тизимида қоплаб бериш учун асос бўлмайди.

Асосий дори воситалари рўйхати (қўллаш эҳтимоли 100 %)

б-жадвал

Фармакотерапевтик гуруҳ	МНН	Препарат шакллари	Ишонччилик даражаси
A12CB01 Минерал қўшимчалар	Рух сульфат	Перорал ОЭЕ да 2 мг/кг вазнга, 6 ойдан катта болаларга 20 мг/кун X 10-14 кун давомида	1A https://www.cochrane.org/ru/CD005436/INFECTN_dopolnitelnoe-peroralnoe-vvedenie-cinka-dlya-lecheniya-diarei-u-detey
A07BC05 A07B A07BC A07BA01 Энтеросорбловчи воситалар	Смектит диоктаэдроксид, кремний диоксид коллоид, полиметилсилоксана полигидрат, фаолаштирилган кўмир, гидролизланган лигнин	Перорал ёш дозаларида	3B https://www.pediatr-russia.ru/information/klin-rek/proekty-klinicheskikh-rekomendatsiy/%D0%A6%D0%B5%D0%BB%D0%B8%D0%B0%D0%BA%D0%B8%D1%8F%20%D0%9A%D0%A0_%D0%BD%D0%B0%20%D1%81%D0%B0%D0%B9%D1%82_22.07.2021.pdf
A11CC05	Колекальциферол	Перораль	2С

Витамин D		6000 МЕ/қунига қон зардобида витамин В миқдори меъёрга қелгунча, профилактик доза – 2000 МЕ	https://www.pediatr-russia.ru/information/klin-rek/proekty-klinicheskikh-rekomendatsiy/%D0%A6%D0%B5%D0%BB%D0%B8%D0%B0%D0%BA%D0%B8%D1%8F%20%D0%9A%D0%A0_%D0%BD%D0%B0%20%D1%81%D0%B0%D0%B9%D1%82_22.07.2021.pdf
-----------	--	--	---

Қўшимча дорилар рўйхати (эҳтимолийлик даражаси 100% қам): ишончлилик даражасини кўрсатиш қерак

7-жадвал

Фармакотерапевтик гуруҳ	дори воситаси МНН	Препарат шакллари	Ишончлилик даражаси
A07FA02 A07FA Ичак микрофлорасини меъёрга қелтирадиган восита	Saccharomyces boulardii, Bacillus clausii	Перораль ёш дозаларида	3B https://www.ncbi.nlm.nih.gov/pmc/articles/PMC8912170/
B03AB05 Антианемик дори воситаси	Железа (III) гидроксид полимальтозат Железа (III) гидроксид декстран	Перорально Внутримышеч но при наличии дневного стационара 3-5 мг элементарного железа /кг веса, с профилактиче ской целью – 2 мг/кг веса	2C https://www.pediatr-russia.ru/information/klin-rek/proekty-klinicheskikh-rekomendatsiy/%D0%A6%D0%B5%D0%BB%D0%B8%D0%B0%D0%BA%D0%B8%D1%8F%20%D0%9A%D0%A0_%D0%BD%D0%B0%20%D1%81%D0%B0%D0%B9%D1%82_22.07.2021.pdf
A09AA02 Полифермент воситалар	Панкреатин микросферик	Перорально 1000-2000 ЕД липазы/кг веса	2C https://www.ncbi.nlm.nih.gov/pmc/articles/PMC9260863/
A12AA04 Кальций воситалари	Кальций карбонат, кальций цитрат	Перораль ёш дозаларида	2C https://www.pediatr-russia.ru/information/klin-rek/proekty-klinicheskikh-rekomendatsiy/%D0%A6%D0%B5%D0%BB%D0%B8%D0%B0%D0%BA%D0%B8%D1%8F%20%D0%9A%D0%A0_%D0%BD%D0%B0%20%D1%81%D0%B0%D0%B9%D1%82_22.07.2021.pdf

			0%D0%B9%D1%82_22.07.2021.pdf
Бошқа анемияга қарши воситалар В03ВВ01	Фолий кислота	Перорально 1 мг/день в течение 3 месяцев с последующим уменьшением до 400-800 мкг/день	2С https://www.pediatr-russia.ru/information/klin-rek/proekty-klinicheskikh-rekomendatsiy/%D0%A6%D0%B5%D0%BB%D0%B8%D0%B0%D0%BA%D0%B8%D1%8F%20%D0%9A%D0%A0_%D0%BD%D0%B0%20%D1%81%D0%B0%D0%B9%D1%82_22.07.2021.pdf

4.2 СТАЦИОНАР ДАРАЖАДА ДАВОЛАШ ТАКТИКАСИ:

4.2.1. Беморнинг кузатув картаси, беморнинг маршрутизацияси:

- 1) тажрибали гастроэнтеролог, диетолог маслаҳати,
- 2) касалликка маълумотли муносабат,
- 3) умри давомида глютенсиз парҳез,
- 4) мальдигестиялар синдроми диагностикаси:
қонда умумий оқсил ва альбумин миқдорини аниқлаш
қонда витамин Д ва В12 миқдорини аниқлаш
қонда кальция миқдорини аниқлаш
ферритин миқдорини аниқлаш
- 5) мальдигестия синдроми даволаш (6.2-бўлимга қаранг)
- 6) мутахассисларнинг кўп сонли гуруҳини давомли кузатиш.

4.2.2 Номедикаментоз терапия.

Целиакияни даволашнинг ягона усули ва униинг асоратларининг профилактикаси ҳозирги кунда умрбод қатъий глютенсиз парҳезга риоя қилиш ҳисобланади.

Целиакияли беморларда парҳезтерапиянинг ҳолати ва амалга оширилиши фаол даврида кўп сонли овқат ҳазм қилишнинг тез-тез ривожланиши ҳам мураккаблашади. Кўпиринча бу – иккиламчи лактаза етишмовчилиги (75%), сигир сути оқсиллиги (72%), кўпинча бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари – гуруч, банан, товуқ тухумига ва бошқ. сезгирлик. Сут маҳсулотларининг ўрнини босувчилар гидролизланган оқсиллар асосида таркибига ёғ қўшилган махсус аралашмалар бўлиши мумкин: Нутрилак Пептиди СЦТ (Инфаприм); Алфаре (Нестле); Нутрило Пепти Гастро (Нутриция); 1 ёшдан катта болаларда – Пептамен Юниор (Нестле). Бироқ, кўрсатилган маҳсулотлардан фойдаланиш ушбу аралашмаларнинг махсус органолептик хоссалари таъсирида иштаҳаси паст беморларда чегараланган бўлиши мумкин.

4.2.3. Медикаментоз терапия

2С	Медикаментоз даволашни микросферик шаклдаги панкреатин билан олиб бориш тавсия этилади [1,4].
-----------	---

Овқат ҳазм бўлиш жараёнларининг коррекцияси юқори фаол микросферали панкреатик ферментлар тайинланиши билан амалга оширилади. Дори воситаси дозаси боланинг ёши, овқатланиш тури ва стеатореянинг намоён бўлиши билан аниқланади. Липаза бўйича

дастлабки доза кунига 1 кг массага 1000ХБ ташкил қилади. Яққол намоён бўлган диарея фониди адсорбентлар-мукоцитопротекторлар тайинланади.

1С	Лоперамидни қўллаш тавсия этилмайди [1,4].
2С	Зарур бўлганда ичак микрофлораси бузилишларини коррекция қилиш тавсия этилади[1,4].
2С	Биринчи марта целиакция ташҳиси қўйилган беморларни микронутриентларга (темир, кальций, фолий кислотаси, витамин D, витамин В12) текшириш ва уларнинг танқислигини даволаш тавсия этилади [1,4].

Темир етишмовчилиги анемиясида темир препаратлари ва фолий кислотаси тайинланади. Кальций алмашинуви бузилишларида (рахитсимон синдром, гипокальциемик талвасалар, остеопения) кальций ва витамин D тайинланади.

2С	Оқсил ва сув-электролит алмашинуви бузилишларида синдромал парентерал коррекция тавсия этилади. Оғир ҳолатларда қисқа муддатли парентерал озиқланиш ўтказиш талаб этилади [1,4].
2С	Яққол оқсил энергетик етишмовчилиги билан кечадиган касалликнинг оғир ҳолатларида ва буйрак усти етишмовчилигини коррекция қилиш учун ўриндош терапия сифатида целиакцияда глюкокортикоид препаратларни қўллаш тавсия этилади [1,2,4].

4.2.4 Рефрактер целиакцияни даволаш

Бугунги кунда рефрактер целиакциянинг самарали даволаш мавжуд эмас, ва даволаш нутритив қўллаб-қувватлаш ва иммуносупрессив ёки абляцияон даволашга боғлиқ.

Ҳозирги кунда рефрактер целиакциянинг эффектив давоси йўқ, ва даво нутритив қувватлаш, иммуносупрессив ва абляцияон давога боғлиқ бўлади.

Рефрактер целиакция I турини даволаш

